

РҮЗНОМА
1930 ЙИЛ
12 МАЙДАН
ЧИҚА
БОШЛАГАН



ЎЗБЕКИСТОН ЖУМҲУРИЯТИ ИИВ ҲАЙЪАТИ НАШРИ

9 ЯНВ 1991
Қонунчиллик ва ҳуқуқ-тартибот учун!

№ 141 (2405).

1991 ЙИЛ

23 НОЯБРЬ

ШАНБА

БАҲОСИ 10 ТИИИН.

ҚИСҚА САТРЛАРДА

ҲАМ КУЛАСИЗ...

Тўпта-тўғри, ҳам кусиз. 17 ноябрь куни Тошкентдаги Куйбишев туманинда навбатчилик қилаётган Н. Гасанова олдига ёшгина йигит келиб спирт сўради. Рад жавобини эшитгач, шунаңги тувақдикни асти қўяверасиз. Лекин унинг сўнгги сўзлари навбатчи ходимани саросимага солиб қўйди. Йигитчанинг галига қараганда, шу куни кечки соат олтидан бир сония ҳам ўтмай, касалхона биноси портлар эмиш.

Бу террорчиликка қарши барча чоралар кўрилди. Лекин шу орада спиртхўр ушланди. Узини Иўлдошев деб таништирган йигитда њеч қандай портловчи модда йўқ ва бўлмаган ҳам. Ҳаммаси ҳазил эмиш.

Кейин маълум бўлди, Б. Иўлдошев 20 марта 11 апрелгача шу касалхонанинг асаб касалларни бўлимида даволанганди экан...

АВЛИЁМИЗ

Савдо ходимлари мени кечирсанлару, лекин уларнинг баъзилари орасида ярамас бир иллат бор. Ўзларни сарлавҳадагидек ҳис қилишади.

Дўконда сотувчилар билан халқини пештахта ажратиб турди. Халқ бирор нарсанни сўраса, сотувчи елка қисди, аммо пештахтада (тўғриоги унинг остида) йўқ нарсанинг ўзи йўқ.

Фарғонада 11-спорт моллари дўкони сотувчилар жуда яхши биладиган одамлар томонидан текшириб кўрилди. Бўлим мудири А. Ҳошимов, сотувчilar X. Қодирова ва М. Комиловлар халқ кўзидан яшириб қўйишган, камёб саналадиган молларнинг умумий суммаси 38 минг 51 сўм 55 тинни ташкил қилди.

Дўкондан чиққач, сотувчи билан халқни нима ажратиб турди? Ҳеч нарса. Шундай экан, ўз-узинизни қийнашдан не фойда?

ЭХ, ҚИЗЛАР

Бу ҳодиса Чилонзор туманинда 29-хунар-техника билим юрти олдида юз берди. Жабрланувчи ҳам, жабрловчилар ҳам шу билим юртининг ўқувчилари.

Жабрланувчинику тушунса бўлади, қиз бола. Бироқ талончилар ҳам «ўлдим-кўйдим» ёшидаги заифалар эканлигига нима дейсиз?

Менимча, ана шу «оҳ-воҳ» даври уларни шу йўлга бошлаган. Йўқса, С. Шалкина дугоналари билан Г. Қорабоеванинг чиройли, оҳори тўкилмаган курткаси ва жинси шимини тортиб олмаган бўларди.

О. САТТОРОВ.



— Матрасул Собирович, жамиятимиздаги ҳозирги сиёсий-иқтиносий танглик ва айни пайтда жиноятчиликнинг турли кўринишлари тобора «болалеётганлиги» кўчилини безовта қилаётгир. Бу албатта сиз раҳбарлик қилаёттан вилоят ички ишлар бошқармаси ходимларини ҳам эътиборсиз қолдирмас керак?

— Албатта. Жиноятчиликнинг ўсишида нафақат вилоятимиз аҳли, балки мамлакатимизнинг ҳамма фуқаролари ҳам безовтадир. Лекин биз қўл қовуштириб ўтирганимиз йўқ. Уларга

қарши маҳсус оператив гурӯҳ ташкил этдик. Оператив маълумотларга назар ташлайдиган бўлсак, содир этилган жиноятлар сони ўтган йилларга нисбатан анча ошганлигини гувоҳи бўламиш. Жумладан, 53 марта қасдан жароҳат етказиш, 13 марта номусга тажовуз қилиш, 1349 марта ўғрилик, 295 марта давлат ва жамоат мулкими ўғирлаш содир этилган. Ачинарлиси шундаки, мазкур турдаги жиноятларнинг кўпчилиги очилмай қолаяпти.

— Жиноятчиликнинг шударажада ўсишини қандай

БАНГИЛАРГА ШАФҚАТ ЙЎҚ!

Кейинги пайтда спиртли ичимликларнинг нархи қимматлашганлиги сабабли кўплаб ёш-яланлар, катталар ва ҳатто баъзи аёллар наркотик моддалар истеъмол қилишга, уни хуфёна йўллар билан етишириш ва сотишга ружу қўйиншмоқда. Ҳуқуқни ҳимоя қилиш органлари ходимлари жиноятчиликнинг бу хавфли тури билан жиддий курашмоқдалар. Бироқ натижা ҳали қувонарли даражада эмас.

Жамоатчи мухбиримиз Рашид Аслонов Бухоро вилояти ички ишлар бошқармаси бошлиги, полковник Матрасул Собирович Собиров билан ана шу мавзуда суҳбатлашиди.

баҳолайсиз? Уларни келтириб чиқарувчи сабаблар ишмаларда, деб ўйлайсиз?

— Жиноятчиликни келтириб чиқарувчи сабаблардан бири асосан лоқайдик, қишилар ўргасида меҳр-оқибатнинг йўқолиб бораётганлиги бўлса, иккинчи томондан, озиқ-овқат ва саноат молларининг камёблиги, нарх-навонинг кескин кўтарилиши. Аксарият ҳолларда озодликка чиқсан фуқароларни судланганлигини рўякач қилиб, ишга қабул қиласли, гиёҳвандликка ружу қўйиш турли ҳолдаги жиноятларнинг келиб чиқишига сабаб бўлмоқда. Шу боис ҳам биз енг шимариб ишламайлик, жиноятчиликнинг турли кўринишлари борган сари кўпаймоқда. Уларнинг олдини олишга эса биргина милиция ходимларининг қўли калталик қилмоқда. Бу-

тун жамоатчилик бир ёқадан бош чиқарип астойдил курашган таъдирдагина биз кўзланган мақсадга эришамиз.

— Вилоят ички ишлар бошқармасида гиёҳвандликка қарши қандай самарали ишлар олиб бориладиги? Гиёҳвандлик иллати ҳатто ўз домига кексаларни, аёлларни, ёш болаларни ҳам тортаётганлиги чиқарли ҳол. Шундай эмасми?

— Саволингиз жуда ўринли. Ҳақиқатан ҳам гиёҳвандлик иллати ўз домига аёлларни, ҳатто мактаб ўқувчиларни тортаётганлиги ачинарли ҳол. Биз бу иллатнинг пайини қирқиши ниятида оператив штаб тузганимиз. Айни кунларда штаб аъзолари маҳаллий кенгашлар, фуқаролар ёрдамида муайян ишларни амалга оширайтилар. (Давоми 2-бетда).

НАТИЖАСИ НИМА БЎЛДИ?

«Постда» рўзномаси мен каби мухлисларининг севимли ва доно маслаҳаттўйига айланниб боряпти. Аввало жумҳориятимиздаги оператив вазият билан, юз бераётган жиноятчилар уларга қарши олиб борилаётган кураш аҳволи билан мунтазам танишиб бормоқдамиз.

Энг мухими — ички ишлар идоралари ходимларининг ўзаро таҳриба алмашишларида уғоят қулай восита бўлиб хизмат қилияпти.

Энди мақсадга ўтсан. 14 май

куни рўзнома саҳифасида менинг кичиккина мақолачам эълон этилди. Унда илгари сурʼилган таклиф ва мулоҳазалар бошқарални ҳам бефарқ қолдирмабди. 6 июнда янгиқўрғонлик, 16 июнда шахрисабзлик ички ишлар идоралари ходимларининг мақолам юзасидан фикрлари чоп этилди.

Бир-биримизга маъқул тушган мулоҳазаларимиз — милиция ходимлари иш шароитини яхшилаш бўйича зди. Тўғрида, милиция ходими бошқа касб эгаларидан фарқли ўла-роқ кўпичча ўз ҳаётини хавф

остига қўйиб хизмат қилади.

Шундай экан, уни зарурӣ нарсалар билан таъминлаш биринчи даражали масала сифатида муҳокама қилиниши керак. Энг аввало бу касб соҳибларининг ўйлари телефонлаштирилиши, қолаверса, улардан йўл солиги олинмаслиги керак.

Мени ўйлантираётган нарса шуки, ана шу талабларимиз юзасидан мутасадди идоралар раҳбарларининг қарашларини рўзномада ўқий олмадик. Мулоҳазаларимиз амалга ошиадими-йўқми?

А. КОМИЛОВ.



ЗОМИН тумани ички ишлар бўлими ДАН ходимлари йўл ҳаракатида тартиб-интизом ўрнатилиши борасида ҳамиша сергаклик билан иш олиб бормоқдадар. Айниқса, милиция сержант Шерқўзи Мусурмонов жамоа ўтасида фаоллик курсатти. У ўз зиммасига биркитлашган ўзбек тракти йўналишида қонун-қондаларининг бузилмаслигига, ҳар хил тасодифларини содир бўлмаслигига эришмоқда. Би-

роқ қўча ҳаракати қондаларини қўполлик билан ўзлари била туриб бузайтганлар ҳам учрайди. Бундай ҳайдовчиларга кескин чора кўриши зарур. Шундагина тартиббузарлар сони камаяди. Мусурмонов буни яхши билади. Жамоатчи мухбиримиз Илҳом Юнусов ўз постида сергак турган Шерқўзи Мусурмоновни хизмат вазифасини ўтаётган пайтда суратга тушириди.

КИССАВУР КИМ ЭКАН?

Эгасининг минг пойлагани ўғрининг бир пойлагани, дейишади. Ҳақ гап экан.

Мўйноқ балиқ консерваси заводи бош директори, Қоқаҷалғористон Жумҳорияти ҳалиқ депутати, 1940 йилда туғилган Т. Ганжимуротов хизмати вожидан Тошкентга келди. Ленинград мәҳмонхонасида жойлашмоқчи бўлди. Кутиш залида ҳужжатлари расмийлаштиришга кириди.

Ким билади дейсиз, эҳтимол меҳмон шу ерда бир оз бефарқлик қилгандир, нима бўлган бўлса бўлди. Қўлидаги портфели бир неча дакиқа ўтиборидан четда қолди.

Ана шу бир неча дақиқа қаллобга етарли экан.

Т. Ганжимуротов ёнига қарадио портфели ўйланғанинг жойида йўқ эканлигини кўрди. Дарров милицияга ҳабар қилди. Аммо портфелдаги 2 минг сўм пул ва ўзига яраша турли буюмлари «қулогини ушлаб» кетганди.

Ҳозир бу иш билан Оқтиабр тумани ички ишлар бўлими ЖКБ ходимлари шу гулланишмоқда.

Жиноятчи аниқланиб, йўқолган нарсалар топилар. Аммо ўшангача межмон ранжийдиган, безовталанадиган бўлдида...

Али ЭРДОН.

БАНГИЛАРГА ШАФҚАТ ЙҮК!

(Боши 1-бетда).

Үтган ойлар мобайнида 100 дан ортиқ гиёхвандлик билан боғлиқ бўлган жиноятлар қайд этилди. Шуларнинг 52 таси бўйича жиной иш қўзғатилди. Ходимларимиз вилоятнинг Олот, Навбаҳор, Гиждувон, Қоракўл, Қизилтепа туманларида жами 2610 квадрат метр майдонга кўнкорни етиштирилаётганини аниқлаб, йўқ қилишди.

Биз ўқитувчиларни эъзозлаб «домла», «устоз» деймиз, ўғил-қизларимизни улардан ибрат олишга ундишимиз. Лекин ҳаётда шундай ўқитувчилар ҳам бор эканки, уларнинг ўзлари тарбияга муҳтоҷ. Масалан, шу йилнинг 15 февралидаги Қоракўл туманинаги М. Горький номли мақтаб ўқитувчиси Юсуф Умурзоқов 1 килограмм қорадори олиб кетаётганида ходимларимиз томонидан ушланди ва жа-вобгарлини тортилди.

Саволингизнинг иккичи бандида таъкидлаганингиздек, гиёхвандлик вабоси аёлларни ҳам ўз домига торта-

ётгани ташвишилди. 1990 йилда ҳеч қаерда ишламайдиган, фуқароларнинг шахсий мулкини ўғирлашда айбланиб икки марта судланган. Оренбург шаҳридан келган Татьяна Светникова ушланди. Татьяна наинг Бухоро шаҳрида доимий яшаш учун ўйжойи бор. Илгари унинг хонадонидан қайта ишланган ва истеъмолга тайёрланган наркотик модда топиб олинган эди. Ўшанда бу аёлга, у бирга бўлган, наркотик модда истеъмол қилган яна Зифафар шахса маъмурий чора кўрилиб, қаттиқ огоҳлантирилганди. Лекин ўргангандаги кўнгил ўртанса қўймас, деганларидек, бу аёл тегишли хулоса чиқармади. Яқинда Татьяна яна уйида истеъмол қилишга тайёрланётган наркотик моддалар билан қўлга тушди. Унинг бир нафар ўғли бор. У ўз фарзандининг тарбияси билан қизиқмайди. Ҳозир ўғли ҳам милиция хисобида рўйхатда туради. Худди шундай «Аралводстрай» бирлашмасининг хизматчиси, Қоракўл туманинаги К. Маркс номли жамоа-

хўжалигида истиқомат қилувчи 41 ёши А. Дурдиева. Олот туманинаги «Амударё» давлат хўжалигининг 2-бригадасида яшовчи П. Рахимовлар ҳам ана шундай экинлар экиши ва сақлашда айбландилар.

— Матрасул ака, ўзингизга маълумки, кейинги вақтларда милиция шаънига кўп-лаб эътиrozлар билдирилмоқда. Сиз буни қандай изоҳлайсиз?

— Тўғрисини тан олиб айтишимиз керакки, биз қанчалик жон кўйдирмайлик, жиноятчиликнинг қўпаймоқда. Лекин бу деган сўз милиция ишламаяпти, дегани эмас. Агар масалага ҳақоний ёндашадиган бўлсак, бу таъқидларни доимо ҳам адолатли, деб бўлмайди. Негаки, юқорида таъқидларни мустақил давлат деб ўзларни қилинди. Энди бизга жиноятчилик билан кескин кураш олиб бориш учун янги йўллар очилади. Уз давлат милиция мустақамлиги, юртимизнинг тинчлиги учун ҳамма имкониятларни сафарбар қиласини.

дан гувоҳлик беришдан, холоси сифатида қатнашишдан ўзларини четга олишади. Сабаби — оч қорним — тинч қулогим. Ёки сен менга тегма, мен сенга тегмайман. Шубонын жиноятчиликнинг кўпайшида фақат милицияни айблаш инсофдан эмас. Милиция жамоатчиликка, мактаб ва ота-оналарга суннади. Милиция обрўйини кўтариш учун ҳали кўп курашишимиз керак. Бунинг устига техникимиз ҳам талабга жавоб бермайди. Жиноятчилар эса мураккаб ўқ отиш қуролла-рига, замонавий «ноль ётти», «ноль тўққиз» машиналари га эга. Бундан ташҳари айрим сабабларга қўра ходимларимизнинг сони кейинги бир-икки йил ичидаги анчага қисқартирилган. Шунга қарамай анча мураккаб жиноятчилар очилмоқда. Уларнинг тергов ишлари муддатида туталланиб судларга оширилмоқда. Мана, жумҳуриятимиз мустақил давлат деб ўзларни қилинди. Энди бизга жиноятчилик билан кескин кураш олиб бориш учун янги йўллар очилади. Уз давлат милиция мустақамлиги, юртимизнинг тинчлиги учун ҳамма имкониятларни сафарбар қиласини.

Аянчили фалокат

Туман ҳалқ суди биносининг олди ҳар қаончигидан ҳам гаважум. Тўпланганларнинг аксарияти эгнига қора ва кўн кийган, юзларида қайғу-алам сояси. Улар гурух-гурухга бўлинишиб, юз берган фалокатнинг айбдори ҳақида куйинишиб сўзлашардилар.

Шу пайт суд биноси олдига келиб тўхтаган маҳсус милиция машинаси барчанинг диққатини ўзига торти. Жабрланганлар машинани ўраб олишиб, марҳум жигарбандларининг қотилини бир кўришга, иккига оғиз ҳақоратомуз сўзлар айтиб, юракларини оз бўлсада бушатиб олишга интилар эдилар...

Уша июль ойининг биринчи куни бўлиб ўтган ҳодисанинг бевосита ва билвосита иштирокчилари хотирасида қайгу изини бир умрга муҳрлади.

«КАМАЗ-5320» белгиси 26-98 ФЕР рақамли юқ автомашинаси ҳайдовчиси М. Ҳошимов ва унинг ҳамроҳи А. Үлмасов Марғилон шаҳридан қишлоқ хўжалик маҳсулотларини олиб, Россия шаҳарлари томон йўлга тушишган эди. Соат кечки саккиз яримларда Риштон—Ўқчи йўлнинг 22-километрида М. Ҳошимов йўл ҳаракати қоидасини кўпол равиша бузиб, ўйлнинг чап томонига чиқиб кетди. Қаршисидан келаётган «ВАЗ-21011» белгили Л 04-09 ФЕ рақамли енгил машинага урилди. Машина ҳайдовчиси Мамаризо Болтаев ва унинг ҳамроҳлари Ҳошимжон Мирзаев, Мухторжон Полвоновлар воқеа содир бўлган жойнинг ўзида ҳаёт билан видолашдилар...

Суд зали. Айбланувчининг боши эгик, залда ўтирганларнинг кўзларида алам ёшлари. Суд жараёнда айбланувчи 42 ёши Маҳамат Ҳошимовнинг аввал ҳам судланганлиги, жазо муддатини ўтаб келгач, Фарғона шаҳридаги 3-автокорхонада ҳайдовчи бўлиб ишлаши айтиб ўтилди.

Суд-тиббиёт экспертизаси хуносасига кўра, марҳумлар спиртли ичимлик истеъмол қилган эканлар. Аммо йўл ҳаракати қоидасини улар эмас, судланувчи М. Ҳошимов бузган. Айбланувчининг ўзи шошиб кетаётганинг натижасида қоидани бузиб, йўлнинг чап томонига чиқиб кетганлигини, тўқнашувнинг олдини олиш учун ҳатто ўз машинасини тўхтатмаганлигини эътироф этди.

Суд жараёнда раислик қилувчи ҳукмни ўқиб эштириди. ...М. Ҳошимовнинг бир лаҳзалик шошмашарларига оқибатида уч оила хонавайрон бўлди, уч жувон севимли ёридан бир умрга айрildi, уч оиланинг норасидалари ота меҳридан жудо бўлдилар. Айбор-чи? Айбор 14 йил бола-чақаси билан дийдор кўришмайди.

Мана сизга бир лаҳзалик ўйламай қилинган ишнинг оқибати.

Тожибай МАМАДАЛИЕВ, Риштон тумани ИИБ терговчиси, милиция катта лейтенанти.

Эминжон ОБИДОВ, «Постда»нинг жамоатчи мухабири.

СУРАТДА: йўл-улов ҳодисасининг кўнгилсиз лаҳзаси.



Инсон тақдирини ҳал этиш чанчалик қийин ва мураккаб. Озгина эътиборсизлик ва масъулиятсизлик унинг ҳаётини мутлақо ўзгартириб юбориши, таржимаи долини дод килиб қўйини мумкин. Фақат адолат билан иш юритган судьягина айбдорни тўғри-

аниклиайди. Акс ҳолда жабр тортиш ҳеч гап эмас.

Бу иш судьядан чуқур масъулият, билим, тажрибага эга бўлишини тақозо этади. Зуҳриддин Ибродимов ана шундай кишилардан. У ҳар бир ишни чуқур таҳлил этиб сўнг мулоҳаза беради.

Б. ХОЛМИРЗАЕВ олган суратлар.

тақдирини ҳал қиласи. Шу сабаб ҳам у 1989 йилдан бери Тўракўргон тумани ҳалқ судининг раиси лавозимида ишлаб кўпчилик ҳурматига сазовор бўлмоқда.

3. Ибродимов ўз жамоаси билан биргаликда туман ҳудудида жиноятчиликни камайишга ҳам ҳисса қўшмоқда. Бунда айниқса ҳўжаликлар ва ташкилотлар жамоалари ҳузурида турли мавзуларда сўхбат ва лекциялар билан чиқишилар ўюнтириб туриши ҳам ўз самарасини беради.

Ҷоқоридаги суратда [чапдан учинчи] Зуҳриддин Ибродимов ҳалқ маслаҳатчилари билан ишватдаги иш юзасидан фикрлашмоқда. Пастдаги суратда туман ҳалқ судининг ҳужжатларни тартибли сақлаш бўйича мудири Шарофиддин Сатторов ва ходим Кибриёҳон Абдуллахоновлар. Бирон илтимос билан ташриф буорган фуқароларнинг юмуши тез ва соз битинши уларнинг хизматига бօғлини.

Б. ХОЛМИРЗАЕВ олган суратлар.

Жиноятчи яраланди, бироқ...

Субҳидамдаёқ жаранглаган ўқ овози Фарғона шаҳрининг Пушкин кўчасида истиқомат қилувчиларни бетоқатлиғи комига улоқтириди. Ҳавотир арапаш дераза дарпардаларини суреб, бирин-кетин бош кўрсатган кўни-кўшинилар кўчада шошилганча машиналари га ўтираётган милиционерлардан бошқа ҳеч кимни кўрмадилар. Нима юз бердийкин? Бу улар учун жумбоқ бўлиб қолди.

Бўлиб ўтган воқеанинг бошланиши тунги соат тўртларга тўғри келар эди. Уч номавълум шахс вилоят ижроқўми масъул ҳодимининг «ВАЗ-21013» белгили, В 30-50 ФЕ рақамли автомашинасини гараждан олиб қочди. Кўп ўтмай улар милиция ходимлари томонидан Пушкин кўчасида сикиб кўйилди. Орадан азобли бир неча дақиқа ўтди. Тўсатдан жиноятчилар машинадан чиқдилару милиционерларга ёпирилдилар. Шунда милиция старшинаси А. Эрматов аввалинга юқорига қараб огоҳлантирувчи ўқ узди. Натижо чиқмагач, тўпкончани жиноятчилерга тўғрилади. Гумбурлаган ўқ овози бир дам дод-войга уланди. Лекин машина олибқочарлар олдиндан келишиб олишган шекилли, чаққонлик билан машинага ўтириб қочиб қолдилар.

Бариир улар узоққа қочиб кетаётганинг жиноятчилардан бири милиция старшинаси отган ўқдан яраланди.

З. САЙФИЕВ.



ОЗОДЛИК ЁҚМАС ЭКАН

Урганинг шаҳар савдо базаси директори Нормат Яхшимуротовтаги ҳат ушлаган кўллари қалтиради. Хонанинг у бурчидан бу бурчига тинимиз беради. Ахир нима қиссан, қўлидаги қоғозда «...70 минг сўм топиб берасан, акс ҳолда...» деган сўзлар билан тақдирни беради.

Ўйлай-ўйлай бир қарорга келди, шекилли, телефон дастагига ёпиши. Ҳали ҳам титрashedан тўхтамаган бармоқлари билан иккита рақамни терди...

...Ҳамон хонанинг иккича бурчига бориб-келаётган Н. Яхшимуротов эшик қўнгироги

жарангидан тақда тўхтади. Шоша-пиша соатга қарди. 14 дан 40 дациқа ўтиди.

Эшнини очиши билан ичкарига отилиб кирган кимса уни қиқитиб юборишига оз қолди. Хонадон соҳиби қалингина пулни узатди...

Оғзи қулогига етган таъм-ғир орқасига ўтирилиши билан кимгандир урилиб кетди. Ҳаммасига тушунди. Фақат кече...

43 ёши А. Сатторов шу йилнинг октябрь ойидаги озодликка чиқсан эди. Орадан бир ой ҳам ўтмай, яна келган жойинга қайтариладиган бўлди.

Эркин ҚАНОТ.

Эсимни танибманки, бир мақолни қайта-қайта эшитиб келаман: күпчиликкінг ҳақи етимнинг ҳақидан ёмон! Агар чукурроқ мұлоғаза юритилса, бу тушунча замиріда олам-олам маңын борлыға ҳар ким ҳам икөр бұла-ди. Сағирнинг ризигін хиёнат қилиш энг оғир гунох. Чунки у сағир, бокувчисидан ажралған оила азоси. Күпчиликкінг орасыда эса унданда начор-роқ қишилар бұлиши мүмкін. Мана, ғап қаерда!

Яхши биламанки, яқин-яқин-ларгача ҳамюртларым ана шу нақлға қаттық амал қилишар, ҳаромдан ҳазар қылмаганлар ҳақида эшитишиша, ағасы билан бош чайқашарды: «Әх, хом сут эмгандың!»

Аммо бүндай ҳолатлар ахән-ахәнда юз берарди.

Әнди-чи? Инсоф ва имон мезони (мағлұм маңында) бұл-біл келген ақида анча-мұнча хотирамиздан фаромуш бўлмоқда. Кексаларнинг айтишича, нафснинг гапига кириб, вижданни чирқиришиб, гумрохлика ботаётганлар, ўз ҳоҳиши билан гунохи азимни ортмоқлаётганлар сафи кенгайиб бораётти. Е алхәзар!

Ана шу мавзуда баҳс-мұнозара күтаришса, айримлар ҳозирги иқтисодий тақчилликни рұқак қилишади. Бир то-мондан тұғрига үшшайды. Нега деганда етишмовчилек туғайы, ҳа-ҳа, айнан етишмовчилек туғайы қынғирилеккә, қўл ураётганлар, күпчилик ҳақида кўрқмаётганлар учраб турибди. Аммо ундейлар, на-заримда, бармоқ билан са-нарли даражада.

Олғирларнинг умумий миқ-дорига (сири фош бўлганлар-нинг) бир эътибор қилиб кў-ринг. Аксарияти азбаройи етишмовчилек туғайли жино-ята хайрихо бўлган эмас. Айтайлик, ўн-ўн беш кило гўғаш ёки бир қоп унни үғир-лаб олиб бормаса ҳам оила

аъзолари оч қолишмайды. Уларнинг асосий мақсади — анча-мұнча йигиб қўйган би-ситини янада кўпайтириш. Шу даражада пасткашликка боришиятки, камбағалнинг ризи-ки «бўлмиш бир бурда нонни ўмарип кетиб, ўзининг тўкин дастурхонига қўйишдан ҳам ор қилишмаяпти.

Тошкентнинг Сирғали тума-нида истиқомат киладиган ана шундай олғир ҳозир юрак ҳовучлаб юрибди. Эрта-индин суд бўлиши, у эса қылмишига яраша жазосини олиши та-бийи.

ИМОНСИЗ

Келинг, подадан олдин чанг чиқармайликда, унинг исмими ҳозирча ошкор қылмайлик. Яхшиси, шартли равища Анвар, деб атай қолайлик. Нега деганда, уни рўй-рост таништирганимиз билан ҳеч қандай манфаатга эришмаймиз. Юқорида айтганимиздек, шундак ҳам у жазога тортилиши му-қаррар.

Шундай-қилиб, Анвар Сирғали тумани озиқ-овқат сав-доси идорасига қарашли дў-конлардан бирида сотовчи бўлиб ишларди. Ҳуқуқшунослар тили билан айтганда — моддий жавобгар шахс.

Шу йил 2 апрель кунидан бошлаб нарх-навонийг (шу жумладан озиқ-овқат маҳсулотларининг ҳам) ошиши ҳа-қидаги хабар уни бутунлай шошириб қўйди. «Ҳаётда эр кишининг омади иккى-уч марта куларкан. Ҳозир шундай пайт келди. Имкониятни кўлдан бермаслик керак», — деб ўйлади ўзича.

Ўйлай-ўйлай «ғаройиб» йўл топди. Ўз бўлимида харидор кутиб турган 338 грамм оғирликтаги димланган чўчқа гўштиниг бир банка баҳоси атиги 95 тийин. Ана шу матоқ

яқин кунлар ичиде 4 сўм 10 тийин бўлади. Агар калла ишлатилса, саноқли кунлар ичиде ҳар бир банкасидан 4 сўм 5 тийиндан фойда кўриш мумкин.

У шундай килди ҳам. 28-29 март кунлари 24 кути (1 минв 80 банка) димланган чўчқа гўшти учун 5 фоиз савдо со-лиги билан 1 минг 77 сўмни ўз ёндан кассага ўтказди. Маҳсулотларни дўкон ҳовлиси-га яшириб қўйди.

31 март куни эса дўкон ҳовлисига 18-автокорхонага қарашли «КАВЗ» белгили 21-96 ТНБ рақами автобус кириб келди. Сотувчи канализация қудугига беркитиб қўйилган 24 кути димланган чўчқа гўштини ана шу машинага юклади. Бунга ҳам қаноат қилмай шу маҳсулотдан яна 26 кути (5 фоизлик савдо солиги билан 1 минг 167 сўм 7 тийинлик)ни ҳам ортди.

Ҳамма тадбирлар пухта ишланган режага мос равища амалга ошарди. Энди ўғирлик маҳсулотларни (шундай аташ тўғрироқ бўлади) эсон-омон уйига етказиб олса бўлгани. Шу ерда ширин ҳаёллар огушида бундан келадиган фойданни яна бир марта сархисоб қилиб кўрди: 8 минг 35 сўм 2 тийин! Ёмон эмас.

Аммо эртароқ хурсанд бўлган экан. Иш чапасига айланниб кетди. Дўкон олдида гавжум бўлиб навбатда турганлар сезиб қолиши. Бўлди тўполон, бўлди тўполон. Автобуснинг йўлини тўсиг олишиди. Кимдир милицияга қўнғироқ килди.

Яқин-орада суд бу ишни қўриб чиқиши керак.

Ушбу мақолани ўқиган, айниқса, катта ёшдаги қишилар яна ағуссанома бош чайқашларига, «Ҳа, кўпнинг ҳақи етимницидан ёмон, хумпар бундан қўрқмай қынғирилеккага кўл урибдида, оқибати шундай бўлиши- табии эди», — денишларига ишоним комил.

Раҳмон АЛИ.



Ички ишлар бўлимидағи энг масъулиятли участка-лардан бири — навбатчилик қисми ҳисобланади. Чунки кимнинг бошига бирор кўргулик тушса, унинг дардига малҳам қўйиш ҳаракати ай-наш шу ердан бошланади. Шу боисдан аскарият жойларда бу хизматга ўз касби-га садоцати баланд бўлган, тажрибали ходимлар жалб этилади.

Сураткаш мухбиримиз Ҳабибулла Шодиев туширган бу суратда Ширин ша-хар ички ишлар бўлими оператив навбатчisi, милиция капитани Абдушукур Султонов (ўнгда) ва унинг ёрдамчиси милиция сержанти Абдураҳмон Қаюмовларни кўриб турбисиз.

ХАЙВОН УНДАН

ЯХШИРОК

Р. Шорткорт 1964 йилда туғилган. Тоғни урса талқон қилгудек жуссаси ва куч-кувати бор. Шундай бўлсада, ҳеч қаерда ишламайди. Жиззах вилоятининг Дўстлик шахрида унинг тараалбадед қилиб юриши нотўғри эканлигини тушунтирадиган, бекорчидан худо безор эканлигини ўқтирадиган бирор киши топилди. Мини-йўқми — бизга коронғу.

Ана шу палид 17 ноябрь куни 1963 йилда туғилган, курилиш метериаллари комбина-тида ишлайдиган Т.нинг уйига кириб борди. Ағусски бу пайтда уйда соҳиба эмас, ўрта мактабнинг бешинчи син-фида ўқыйдиган қизи З. ёлғиз экан.

Р. Шорткорт ақлга эмас, ҳирса эрк берди. Қаршисида охудек титраб-қақшаб турган но-расида вужудга зарра раҳм қилмади. Бу ифлослиги билан нафақат унинг танасини, балки азиз умрини, ёрқин келажагини ҳам булгашини ўйлаб кўрмади. Ўйлаган бўлса ҳам парво қилмади. Чунки у бу пайтда ўз номи билан ҳайвон атальмиш мавжуддоддан ҳам тубанлашиб кетганди.

Жинояти ушланди, аммо 11 ёшли қизалоққа жабр бўлди...

Ислом ХУДОЁР.



ҲАЛҚА ЙЎЛИДА

ҮҚ УЗИЛДИ

Кузнинг сўнгги ойи, сўнгги кунлари. Тез қоронги тушаяпти. Соат миллари олтидан ўтиши билан ўн-ўн беш қадам наридаги одамни таниш амри-маҳол бўлиб қояпти. Қола-верса, об-ҳаво ҳам анча совуди.

Бүндай пайтларда иссиққина уйда, бола-чақалар даврасида ўтиришга нима етсин. Аммо ҳар доим ҳам бунинг иложи бўлавермайди.

«Тошгаз» идорасининг бўлим бошлиги Ю. Нуралов бу пайтда, яхни 18 ноябрь куни соат 7 яримда йўли бўйлаб «ВАЗ-21063» белгили Р 58-66 ТН рақами машинасида эндиғина Калинин тумани маркази рўпаратсига етиб келганди. Шу ерда уни фалокат кутиб турганини қаёқдан ҳам бўлсан.

Кутилмаганда номаълум шахслар унга қарата куролдан ўтиб қолишиди.

Ю. Нуралов бошидан қаттиқ яраланди. Қароқчилар эса унинг машинасини эгаллаб олдишлар ва воқеа жойидан ўтиб бўлдишлар.

Акмал Икромов тумани ишлар бўлими ходимлари аллақаочон жиноячилар изнiga тушашган. Қидиришяпти. Аммо жабрланувчи билан шифохона-да савол-жавоб қилишнинг, уларнинг шахсларини аниқлашнинг иложи бўлмаяпти. Шу боисдан ҳозирча қароқчилар кимлар, уларга машина керак-миди ёки жабрланувчига қасд-лари бормиди — бу саволларга жавоб қилишга ожизмиз.

Р. ҚОСИМОВ.

Йўл белгиларига амал қилмаслик, светофор чироқларига зътибор бермаслик, ҳуда-бехудага тезликни ошириш каби қондабузарликлар хар доим ҳам яхшилик билан тугайвермайди. Кўза кунда эмас, кунда синади, деган мақол ҳам бежизга айтилмаган.

СУРАТДА: [чапдан] Бўстон шаҳар ИИБ участка вакили, милиция кичик лейтенанти Давлатбой Нуримбетов ва пост-патрул хизмати бўлинмаси командири, милиция катта сержанти Оразбой Оллаберга-новлар мотоцикл ҳайдовчиси қондани бузгандиги тўғрисидаги ҳуқоқатни расмийлаштиришадарлар.

Саъдулла БОБОЕВ олган сурат.

Раларига Мухсимни ҳам қўшиб олишиди.

Суҳбат қизигандан қизиб кетди. Шиша кетидан шиша бўшатилди. Ширакайф ул-фатлар бир чеккага чиқишаркан. Иzzатулло уларнинг қулогига шишиди:

— Кетдик. Пул ишлаймиз.

Улар кеч соат 21 ларда Холдор Сарсеновнинг шахсий «Москвич-412» автома-

тада кунда таниши Холдорнинг уйига келди.

Холдорнинг уйда йўқлигиги били, фигони ошиди.

— Уйда ўтираси ўлармизан, — ўйлади у. — Қаерда бўлиши мумкин? Қани, анави қаҳвахонага кириб чиқайчи.

Мухсим шахдам қадамлар билан Холдорнинг уйи яқинидаги гавжум қаҳвахонага йўл олди. Қуюқ суҳбатлашиб ўтирган одамлар орасида излаётгача оғайнисини кўрди-ю кўзлари чақнадекти, хурсандчилликдан энтикли.

— Оббо ҳумпар, борми-сан ўзи?

Абдураҳмон, Иzzатулло, Мирхалил, Холдорлар ўз дав-

жалик аъзоси Ортиқбай Ка-лимовнинг беш минг сўм турдиган бир бош отни,

Чиноз туманидаги «Октябрь 40 йиллиги» жамоа ҳўжалиги аъзоси Замон Булагеновга қарашли нархи тўрт минг сўмлик бир бош отни ўғирлаб кетишаётганди, фуқаро Маҳкам Отабоев ва уч-тўрт киши уларнинг изига тушишди. Иzzуварлар милтиқдан ўқ отиб уларни тўхта-тишга ҳаракат қиладилар.

Лекин от ўғирлари ўз ўлжаларини Чирчиқ дарёси ичиди қолдилар.

Ҳар нарсанинг хотимаси бўлди деганларидек, от ўғирлари саргузашларига ҳам якун ясалди.

Галаба тумани ИИБда тузилган оператив гуруҳнинг изланниси натикасида енгил ҳаёт ишишибозлари тумщугидан илинди.

— Пойтахтинг Бектемир туманида яшовчи Иzzатулло Сарсенов эса қидирилмоқда, — дейди мен билан сұхbat-да Галаба тумани ИИБ бош тегровчиси милиция майори Худойберди Нурбоев.

Жониворлар тезлик билан номаълум шахсларга пулланди ва қази-қартага айланниб кетди.

Орадан бир ҳафта ўтди. Ҳўлларидаги бели букилмаган пулларнинг чўғи паса-иши билан бу жиноий гуруҳ яна тўпланди. Улар Холдорнинг машинасида ўтиришиди, яна Галаба тумани томон йўл олишиди. Энди бу сафар Ленин номли жамоа ҳўжали-

ОТ ЎГРИЛАРИ

шинасида Галаба туманининг Волхов номли давлат ҳўжалиги 2-бўлими даласига йўл олишиди.

Шанба учишувлари

Менинг милиция билан учрашувларим

(ЯРИМ ҲАЗИЛ, ЯРИМ ЧИН)

Фуқарочилик экан, мен ҳам бошқалар қатори милиция ходимлари билан у ер-бу ерда рўпара келиб, гоҳ ундан, гоҳ бундай мулоқотда бўлганман. Шулардан айримларини сиз — ҳурматли ўқувчиларга ҳикоя қилиб берсам дедим...

Жомадон кимники?

Олтмишинчи йиллар эди. Нима бўлиб, Москвага сафар қилдим. Иттифоқ (увақтда ватанимиз, деб айтиларди) пойтахтига биринчи йўл олишим — ҳийла ҳаяжонланиб кетиб борялман. Бизнинг купемизда (сафаримиз поезд билан эди) ҳар хил йўловчилар қаторида Украинадан Узбекистонга меҳмон бўлиб келиб, энди қайтаётган кексароқ бир аёл ҳам бор эди. У уруш йиллари воқеалари туфайли таниш бўлиб қолган Андижон томонликлар хонадонида меҳмон бўлган экан. Узбекларнинг меҳмондўстлиги, одамилигидан ўзида йўқ хурсанд, кета-кетгунча мақтаб, алқаб кетди. Мана, ниҳоят охирги бекат — Москванинг Қозон вокзалига ҳам келдик. Перронга тушаётганимизда ҳалиги онахон: «Нигитча, юкларимни олиб тушишга қарашворсангиз», — деб қолди. «Бажону дил», — дедиму ўз жомадоним билан унинг жомадоним билан ҳам келди.

Риштон тумани милицияси нинг Мамасоли ака деган бошлиги бўларди. Жуда мулоим, ширин сўз киши эди. Мен у кишига ҳазиллашиб: «Мамасоли ака, дунёда иккита ўта маданиятли милиция ходими бўлса—бittasi, агар битта бўлса—худди ўша сизсиз», — дердим. Бир гал улоқдан кейин у киши бизни ўз идорасига бир пиёла чойга таклиф қилди. Кирб бора туриб қарасам, навбатчихонада ёш милиционер бир кишини сўроқ қилиб, ҳужжат тўлғазяпти. Ҳалиги одамга қарасам қора чопонли, белида белбоғ, ўрта ёшлардаги мўмин-қобилгина киши. Ёзувчи халқининг кўнгли бўш бўлмайдими, менинг унга раҳмим келди.

Фронт хандалари

Сен келтирган асир туни билан «шианс» деб қичқириб чиқди-я, Фармонбек?

Уни олиб келётганимда «аммамнинг тўйига кетаяпмиз», деб ўйлаган бўлса керак.

Урол ЖУРАЕВ,
Ангрен шаҳри.

Болқон қишлоғилик Тошматбек олиб келётгани асир «швайн» деганча бақириб келарди. Тошматбекдан сўрашибди:

— Асиринг нима деб қичқирияпти?

— Улсам, гўримни шуванг деб ялинапти, шеклини, тўнгиз кўпкүр.

Камолиддин САТТОРОВ,
Китоб тумани.

«Гражданин, қаршилик кўрсатманг, акс ҳолда...».

Ана холосу мана холос... Мен ноилож иккала жомадонни кўтариб милиционернинг олдига тушдим. Кўрганлар—ким нима деб ўйласа ўйлади. Ўгри дедими, чайковчи дедими... Дароз мени темир йўл милиция хонасига олиб келиб қўлга тушган ҳар хил саёклар, ўғрибашара шубҳали одамлар қаторига ўтқазиб қўйди. Бир бўғиламан, бир бўғиламан. Ниҳоят каттароқ бир бошлиқ мендан нима гаплигини сўради, мен айтдим. У ҳалиги дарозга: «Сидоров, депога бориб, ўша кампирни тезда бу ерга олиб кел», — деб буюрди. Ярим соатлар ўтувди ҳамки, «жомадонимдан айрилдим», деб юраги ёрилаётган кампирни мотоциклиниң кахавасига ўтиризиз олиб келди. Кампир менини, жомадонини кўриб «раҳмат-чи, раҳмат»га тушди. Воқеа равшандани, мен ҳам озод бўлдим. Милицияхонадон чиқиб борар эканман, ҳалиги онахон: «Ўғлим, жомадонимни таксининг олдигача олиб боришиб берсангиз», — деб қолди. «Куллук, онахон, энди буёғига маъзур тутасиз. Мана, марҳамат, милиционизм ёрдам берсин», — дедим. Дароз милиционер қовогини солганича жомадонни кўтариб кетди...

КУНДА-ШУНДА «МЕҲМОН»

Милиционердан уни қўйиб юборишини сўрадим. У кўнмади. Мен ҳам бўш келмай бошлиқ — Мамасоли акадан рухсат олиб чиқдим. Милиционер «Протокол нима бўлади?» — дедиу ноилож ҳалиги одамга қараб, уни таниб қолди:

— Э, бу амакимларми? — деди у кулиб. — Сиз ташвиш килмang, бу киши бир кечалик меҳмон эмас, кунда-шунда мижозларимиздан. Олиб кирнглар ўзларининг иссиқ жойларига...

— деган гап чиқди менинг оғзимдан.

— Э, коронгиди юраманни туртниб... Бир кечи шу ерда ётиб кета қолай... — деди ҳалиги амаки тушмагур хотиржамлик билан. Мамасоли ака ҳалиги одамга қараб, уни таниб қолди:

— Э, бу амакимларми? — деди у кулиб. — Сиз ташвиш килмang, бу киши бир кечалик меҳмон эмас, кунда-шунда мижозларимиздан. Олиб кирнглар ўзларининг иссиқ жойларига...

Кора чопонли индамай милиционернинг олдига тушди.

Муҳтор ХУДОЙКОЛОВ.